



## ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРЛАРИНИНГ СУРУНКАЛИ ИЧКИЛИКБОЗЛИК ВА ГИЁХВАНДЛИККА РЎЖУ ҚЎЙГАН ШАХСЛАР БИЛАН ИШЛАШ БЎЙИЧА ЯККА ТАРТИБДАГИ ПРОФИЛАКТИКАСИНИНГ АҲАМИЯТИ .

Жумаев Синдор Жомғир ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси 2-ўқув курси  
211-гуруҳ курсанти

Ниматов Шерзод Ниматжонович

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси  
Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси фаолияти кафедраси  
ўқитувчиси, майор

<https://doi.org/10.5281/zenodo.15479989>

### ARTICLE INFO

Received: 15<sup>th</sup> May 2025

Accepted: 19<sup>th</sup> May 2025

Published: 21<sup>st</sup> May 2025

### KEYWORDS

### ABSTRACT

*Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг яхлит тизимини шакллантириш, ички ишлар органларининг энг қўйи бўғинидан республика даражасигача самарали фаолиятини йўлга қўйиш ва замонавий иш услубларини жорий этиш орқали мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлаш, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш мақсадида бугунги кунда кўплаб ислохотлар амалга оширилмоқда.*

Жамиятимизда мавжуд ўта ноёб, бетакрор ижтимоий бошқарув идораси бўлган, ҳеч нарса билан солиштириб бўлмайдиган, юз йиллар давомида ривожланиб келаётган ва мустақиллик даврида тубдан янгиланиб, замон талаблари асосида такомиллашиб бораётган маҳалла тизими имкониятларини тўлиқ ишга солиш ва аҳоли фаоллигини ошириш жиноятларнинг олдини олишда, албатта, ўз самарасини беради, ана шу меросдан амалиётда моҳирлик билан фойдаланиш зарур<sup>1</sup> Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев: “Асосий вазифамиз-амиятимизни ислоҳ қилиш ва демократлаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш жараёнларини янги босқичга қаратишдан иборат” номли маърузасида таъкидлаганидек, “бугунги кунгача ички ишлар ва ҳуқуқ тартибот органлари фаолиятини тартибга соладиган қонуннинг йўқлигини ҳам нормал ҳолат, деб бўлмайди. Шунинг учун мазкур органларнинг, биринчи навбатда, қонун устиворлигини таъминлаш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш борасидаги мақоми, фаолият шакли ва усуллари аниқлаштириш ҳамда уларга тузатишлар киритиш зарур” Мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси

<sup>1</sup> Ниматов Ш. Н. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигини мувофиқлаштириш фаолиятини такомиллаштириш //siyosatshunoslik, huquq va xalqaro munosabatlar jurnali. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 8-17.

бўйича комплекс чора-тадбирлар хусусан, аҳолининг ҳуқуқий онги ва маданиятини юксалтириш, бу борада давлат органлари ва фуқаролик жамияти институтларининг ҳамкорлигини такомиллаштириш мақсадида кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда<sup>2</sup>.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 14.03.2017 йилдаги “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2833-сон қароридан мустақиллик йилларида республикада ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиб, мамлакатда ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда ижобий натижаларга ҳамда криминоген вазиятни сезиларли даражада яхшилашга эришилганлиги, шу билан бирга, ҳуқуқбузарликлар профилактикасини амалга оширувчи давлат органларининг иш шакли ва услублари, энг аввало ахборот-коммуникация технологияларидан етарли даражада фойдаланилмаётганлиги сабабли ҳозирги кун талабларига тўлиқ жавоб бермаслиги, давлат идоралари аксарият ҳолларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини фақатгина ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларнинг вазифаси сифатида баҳолаб, оқибатда ушбу фаолиятга лозим даражада эътибор қаратилмаётганлиги, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасидаги чора-тадбирларнинг аниқ манзилга йўналтирилмаганлиги ва уларга комплекс ёндашилмаётганлиги, шунингдек ҳуқуқбузарликларнинг тизимли равишда содир этилишига доир сабаб ва шарт-шароитларни аниқлаш ва уларни бартараф этиш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш самарадорлиги мавжуд эмаслиги кутилаётган натижаларни бермаётганлиги, ваколатли органларнинг етарли даражада ташаббус кўрсатмаётганлиги, лозим даражадаги идоралараро ҳамкорликнинг мавжуд эмаслиги, амалга оширилаётган чора-тадбирларнинг ўзаро номуносиблиги ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасидаги фаолиятни тубдан такомиллаштиришни талаб этаётганлиги кўрсатиб ўтилган.

Ҳуқуқбузарликнинг вужудга келишига эътибор қаратадиган бўлсак, у давлат ва ҳуқуқ институтлари пайдо бўлган даврда вужудга келган. Шуниси эътиборлики, ҳуқуқбузарлик кўлами муайян бир макон ва замонда ўзиучун яратилган “шарт-шароитларга” боғлиқ равишда ҳар хил даражада яъни у паст ёки юқорида даражада намоён бўлади. Шунинг учун, ҳуқуқбузарликларни олдини олиш ва унга қарши курашиш тарихда ҳар бир давлатнинг асосий вазифаларидан бири бўлиб келган. Биз аввало, “ҳуқуқбузарлик” тушунчасига тўхталадиган бўлсак, олимларимиз томонидан ушбу тушунчанинг мазмуни бўйича қатор мунозарали ёндашувлар, фикрлар илгари сурилган.<sup>3</sup>

Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси йўналишида тадқиқотлар ўтказган олимлар И.Исмаилов ва М.З.Зиёдуллаевларнинг фикрича ҳуқуқбузарлик деганда, маъмурий жавобгарлик назарда тутилган, айбли, ғайриҳуқуқий қилмиш (ҳаракат ёки ҳаракатсизлик) тушунилади<sup>4</sup>

<sup>2</sup> Ниматов Ш. Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигининг ташкилий асослари // Академические исследования в современной науке. – 2024. – Т. 3. – №. 22. – С. 43-52.

<sup>3</sup> Адилов. Б. Қ. Вояга етмаганлар ҳуқуқбузарлигининг тушунчаси ва унинг олдини олиш чоралари. Eurasian journal of academic research-2023 й

<sup>4</sup> Исмаилов И., Зиёдуллаев М.З. Ички ишлар органлари таянч пунктларида профилактика инспекторларининг фаолияти ва ҳамкорлигини ташкил этиш: Ўқув-амалий қўлланма. -Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. – 130 Б. (254);

Маъмурий ҳуқуқбузарлик деганда (фактик асоси) -қонун ҳужжатларига биноан маъмурий жавобгарликка тортиш назарда тутилган, шахсга, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларига, мулкчиликка, давлат ва жамоат тартибига, табиий муҳитга тажовуз қилувчи ғайриҳуқуқий, айбли (қасддан ёки эҳтиётсизлик орқасида) содир этилган ҳаракат ёки ҳаракатсизлик тушунилади<sup>5</sup>

Ўзбекистон Республикасининг „Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисидаги“ ги14.05.2014 йилдаги ЎРҚ-371-сон қонунида Ҳуқуқбузарликлар профилактикасини бевосита амалга оширувчи органлар ва муассасаларнинг ғайриижтимоий хулқ-атворли, ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойил бўлган, ҳуқуқбузарликлар содир этган шахсларни аниқлаш, уларнинг ҳисобини юритиш ва уларга тарбиявий таъсир кўрсатишга доир фаолияти ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасидир. Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикаси шахснинг, унинг ижтимоий муҳитининг ўзига хос хусусиятлари, ижтимоий-маиший шароитлари ва турмуш тарзи, шахснинг ғайриижтимоий хулқ-атворини, ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллигини, шунингдек содир этилган ҳуқуқбузарликнинг ижтимоий хавфлилик даражасини тавсифловчи бошқа омиллар ҳисобга олинган ҳолда белгиланади. Ҳуқуқбузарликларнинг якка тартибдаги профилактикасини қўллаш учун шахснинг ғайриижтимоий хулқ-атвори тўғрисида, унинг ҳуқуқбузарлик содир этишга мойиллиги ёхуд у ҳуқуқбузарлик содир этганлиги ҳақида далолат берувчи ишончли маълумотларнинг мавжудлиги асос бўлади. Ҳуқуқбузарликларнинг мажбурловчи ва чекловчи хусусиятдаги якка тартибдаги профилактикаси қонунда назарда тутилган асосларда қўлланилади деб баён этилган. Бугунги кунда айрим тоифадаги шахсларда ҳуқуқбузарликлар содир этишга мойилликнинг шаклланишида, бу улардаги очкўзлик ва бузуқлик хислатларинининг шаклланганлигидир. Шунинг учун ҳам, ижтимоий ҳаётда бир қатор иллатлар мавжудки, улар инсонни оиласи, жамият ва давлат олдидаги бурчи ва маъсулиятдан узоқлаштириб қўяди. Маълумки, спиртли ичимлик истеъмол қилиш натижасида инсон организмида турли ўзгаришлар рўй беради. Мастлик инсон бош миясига езиларли даражада таъсир қилувчи модданинг одам организмига киритилиши натижасида руҳий ҳолатининг ёмонлашувига олиб келади. Алкоголли ичимликларни истеъмол қилиш инсон организмига, биринчи навбатта, унинг асаб тизимига шикаст етказиши ва турли ўткир, сурункали руҳий касалликларнинг келиб чиқишига сабаб бўлади. Алкоголь маҳсулотини унча кўп бўлмаган дозаларда истеъмол қилинганда ҳам инсоннинг ҳаракатланиш ва руҳий фаолиятини издан чиқаришига олиб келади. Бундай шахсларда кучли руҳий ҳаяжонланиш ҳолати кўпинча ташқи омиллар таъсирисиз, осонгина вужудга келади, ўзини тийиб туриш, атрофида юз бераётган воқеаларни тўғри идрок этиш қобилияти йўқолади. Бундай вазиятларда ушбу тоифадаги шахслар манман, мақтанчоқ, инжиқ одамга айланади, ҳеч бир сабабсиз муштлашиш учун ташланади, бошқа шахсларга нисбатан зўрлик ишлатади.<sup>6</sup> Ичкиликбозлик – ниҳоятда мураккаб ижтимоий ҳодиса сифатида эътироф этилади. Аҳолининг турли-туман табақалари, ҳар хил касб соҳиблари, турлича ижтимоий мавқе ва моддий етарлилик даражасига эга, ўқимишли, саводсиз, ҳар хил ёш ва жинсга мансуб одамлар орасида спиртли ичимлик истеъмол қилишга барқарор мойиллик мавжудлиги, мулоҳаза юритилаётган ижтимоий ҳодисанинг мураккаблиги ва ранго-ранг кўринишларда намоён бўлишидан далолат беради. Ичкиликбозлик термини спиртли

<sup>5</sup> Алтиев Р. Маъмурий ҳуқуқбузарлик ва унинг юридик таркиби. 2011. <https://library.samdu.uz/download/6092> (мурожаат санаси 20.09.2023)

<sup>6</sup> Абдурасулов.Ё.И. Ички ишлар органларида спиртли ичимликка ружу қўйган шахслар билан ишлаш фаолиятини ташкил этишнинг муаммолари. [Электрон манбага мурожаат вақти: 10.07.2023] URL:<https://sciencebox.uz/index.php/siyosatshunoslik/article/view/3307/3016>

ичимликларни суистеъмолқилишнинг инсон соғлиги, хулқ-атвори, лаёқати ва бошқалар билан мулоқотқилишига салбий таъсир ўтказадиган барча ҳолатларни ўз ичига мужассам этади. Сурункали ичкиликбозлик тушунчасига тиббиёт нуқтаи назаридан талқин бериладиган бўлса, ушбу ҳолат спиртли ичимликларни тез-тез ваҳаддан ортиқ кўп миқдорда истеъмол қилиш туфайли пайдо бўлиб, араққа патологик жиҳатдан ружу қўйиш, яъни касаллик аломати каби кечадигансурункали хасталикни англатади. Бундай одат кишининг соғлиги, кундалик ҳаёти, меҳнат фаолияти, умуман айтганда, халқ фаровонлигига салбий таъсир ўтказмай қўймайди, албатта. Спиртли ичимлик жамиятимиз ҳаётига ижтимоий анъаналар, аксариятҳолларда, расмий тадбирлар ва байрамларнинг элементи сифатида кирибкелиб, мустаҳкам ўрнашиб қолди ва таассуфки, вақт ўтказиш усулларининг, айримларучун эса мавжуд муаммоларни ҳал этишнинг ўзига хос воситасига айланиб қолди. Аҳолининг аксарият қисми спиртли ичимлик истеъмол қилишни жамиятда жорий этилган, инсонлар орасидаги ўзаро муносабат меъёрлари вақоидаларига зид қиладиган хулқ-атвор шаклларида бири сифатида эътироф этмайди. Спиртли ичимликнинг истеъмол қилиниши оммавий онгда ҳаёттарзининг кундалик аломати, маиший маданиятнинг дахл этилмайдиган қисми сифатида гавдаланади. Шундай экан, спиртли ичимликларнинг ўртамиёна истеъмол қилинишини инсон хулқининг оғиши (девиант кечиши) сифатида кўриш ярамайди. Таъкидлаш жоизки, спиртлик ичимликларга ружу қуйган шахслар билан профилактика ишларини самарали ташкил этиш ҳудудларда ҳуқуқбузарликлар профилактикасини таъминлашга асос бўлади. Бу борада, криминологик олимлар И.Исмаилов, Қ.Р. Абдурасулова ва И.Ю. Фозиловлар ҳуқуқбузарликлар профилактикаси чора-тадбирларининг тизимига қуйидагиларни киритиш мумкин деб фикр билдириб ўтишган:

- тарбиявий-профилактик чора-тадбирлар;
- ижтимоий-иқтисодий чора-тадбирлар;
- маънавий-ахлоқий чора-тадбирлар;
- тиббий чора-тадбирлар;
- психологик чора-тадбирлар;
- ташкилий чора-тадбирлар;

– бошқа чора-тадбирлар”<sup>7</sup> олиб бориш лозимлигини кўрсатиб ўтилган. Шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг «Алкоголь ва тамаки маҳсулотларининг тарқатилиши ҳамда истеъмол қилинишини чеклаш тўғрисида»ги (2011), «Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги (2014), «Ёшларга оид давлат сиёсати тўғрисида»ги (2016) қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг қарори ва мавзуга оид бошқа қонун ҳужжатларида белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади. Тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, ички ишлар органлари профилактика (катта) инспекторлари маҳалла ҳудудида спиртлик ичимликларга ружу қуйган шахслар билан профилактика ишларни ташкил этишда қуйидагиларни амалга оширишлари таклиф этилади: биринчидан, маъмурий ҳудудда яшовчи спиртлик ичимликларга ружу қуйган шахсларни руйхатини шакллантириш; иккинчидан, ҳисоб руйхатда бўлмаган спиртлик ичимликларга мойил бўлган шахсларни аниқлаш ва руйхатга қўйишни таъминлаш; учинчидан, жамоат жойларида спиртлик ичимликлар истеъмол қилган шахсларга (МЖТК 187-м, 1-2 қисмларида кўрсатилган нормаларга асосан) нисбатан электрон баъённома расмийлаштириб, тегишли муддат ичида профилактик ҳисоб йиғма жилди юритиш [10]; тўртинчидан, спиртлик ичимликларга

<sup>7</sup> 9. И.Исмаилов, Қ.Р. Абдурасулова, И.Ю. Фозиловлар; Криминология. Умумий қисм: ИИВ олий таълим муассасалари учун дарслик / Масъул муҳаррир Ш.Т. Икрамов

ружу қуйган низоли оилалар билан якка тартибдаги профилактика чора-тадбирларини таъминлаш; бешинчидан, спиртлик ичиликларни миёъридан ортиқ истеъмол қилишга мойил шахсларни аниқлаш ва мажбурий тарзда норкалогия деспанцерига жойлаштириш; олтинчидан; спиртли ичимликлар, гиёҳвандлик воситалари, психотроп ёки ақл-ирода фаолиятига таъсир этувчи бошқа моддаларни мунтазам равишда истеъмол қилаётган вояга етмаганларни аниқлаш, ҳисобга олиш, текшириш, даволаш ва тиббий-ижтимоий реабилитация қилишни ташкил этиш соғлиқни сақлашни бошқариш органлари ва соғлиқни сақлаш муассасалари билан ҳамкорликни ўрнатиш лозим. Гиёҳвандликка чалинган шахслар билан якка тартибда профилактикани ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади. Гиёҳвандлик, яъни наркотик воситаларга боғланиш, жамиятдаги энг муҳим ижтимоий ва тиббий муаммолардан бири ҳисобланади. Бу ҳолат инсонларнинг жисмоний ва руҳий саломатлигини бузиш билан бирга, уларнинг ижтимоий муносабатларига ҳам салбий таъсир кўрсатади. Шунинг учун, гиёҳвандликка чалинган шахсларни профилактикалаш ва уларга ёрдам бериш тизимлари муҳим аҳамият касб этади. Гиёҳвандликка чалинган шахслар билан якка тартибда профилактиканинг аҳамиятига тўхталсак, якка тартибда профилактика, яъни ҳар бир гиёҳвандликка чалинган шахс билан алоҳида ишлаш, уларнинг индивидуал ҳолатини ҳисобга олиб, қўшимча ёрдам ва тадбирлар ўтказишга йўналтирилган ёндашувдир. Бу турдаги профилактика ижтимоий, тиббий, психологик ва юридик йўналишларни қамраб олади. Гиёҳвандликка чалинган шахсларда кўпинча руҳий бузилишлар, депрессия ва таълим олишга нисбатан қийналишлар кузатилади. Бу шахслар билан психологик маслаҳатлашувлар, психотерапия ва мотивацион суҳбатлар ўтказиш муҳимдир. Психологик ёрдам уларнинг ҳолатини тушуниш ва уларга келажакдаги йўлни топишда ёрдам беради. Гиёҳвандликка чалинган шахслар кўп ҳолларда ҳуқуқий муаммоларга ҳам дуч келишади. Улар учун юридик ёрдам бериш, ҳуқуқий маслаҳатлар бериш ва, агар зарур бўлса, қонуний ҳимояни таъминлаш муҳимдир. Бу, шунингдек, профилактик таъсирчанликка эга бўлади, чунки шахс ўз ҳуқуқлари ва масъулиятларини тушунишига ёрдам беради. Якка тартибда профилактика усуллариининг самарадорлиги шахснинг индивидуал эҳтиёжларига асосланади. Ҳар бир гиёҳвандликка чалинган шахс учун индивидуал дастурлар ишлаб чиқирилиши керак. Бу дастурлар муаммонинг асосий сабабларига йўналтирилиб, шахсга барқарор қарор қабул қилишга ёрдам бериши лозим. БМТнинг 2024 йилги гиёҳванд моддалар бўйича жаҳон ҳисоботида қайд этилишича, дунёнинг 154 давлатида марихуанна,

57 мамлакатда эса кўкнори етиштирилиши таъкидланган. Бу кўрсаткич АҚШда аҳолининг 6 фоизини ташкил этса, Буюк Британия ва Мўғулистон каби давлатларда 5 фоиздан юқорилиги аниқланган. Кейинги йилларда гиёҳвандлик воситалари ёки психотроп моддалар билан қонунгахилоф равишда муомала қилишдан иборат жиноятларнинг интернет ижтимоий тармоғида махсус гуруҳлар, шифрланган мессенжерлар, реклама кўринишидаги постлар, даркнет орқали криптовалюталардан фойдаланган ҳолда махфий етказиб бериш тизими, автоматлаштирилган савдо ботлари ва махсус мобил иловалар ёрдамида амалга оширилаётганлиги, бу жиноятлар кўламининг ортишига сабаб бўлмоқда. Хулоса қилиб айтганда гиёҳвандликка чалинган шахслар билан якка тартибда профилактикани ташкил этишда индивидуал ёндашувнинг аҳамияти катта. Бу, нафақат уларни гиёҳвандликдан чиқариш, балки уларнинг янгидан ижтимоий фаолиятига интеграция қилинишига ёрдам беради. Бундай профилактика ёрдамида шахслар ўз ҳаётига боғланиш ва жамиятга қайта интеграция бўйича янги имкониятларга эга бўлишади.

## ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ:

1. Янги сайланган Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг лавозимга киришиш тантанали маросимига бағишланган Олий Мажлис палаталари қўшма мажлисидаги –Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси асосида демократик ислохотлар йўлини қатъий давом эттирамиз|| номли нутқи. – Янги Ўзбекистон газетаси, 2021 йил 8 ноябрь сони.
2. Юридик энциклопедия / Юридик фанлар доктори, профессор У. Таджихановнинг умумий таҳририда. — Т.: «Шарқ», 2001. — 656 б.
3. Криминология: Дарслик / З.С. Зарипов, А.С. Якубов, Г.А. Аванесов ва бошқ. Проф. З.С. Зарипов таҳрири остида. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2006. – 166 (539) б.
4. Ўзбек тилининг изоҳли луғати/ А. Мадвалиев таҳрири остида.Бешинчи жилд. Т.: 2008, 291-б.
5. Ўзбекистон Республикасининг 2014 йил 14 май куни қабул қилинган«Хуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида»ги қонун.
6. Ички ишлар органлари профилактика хизматининг фаолияти: Дарслик/ И. Исмаилов, М.З. Зиёдуллаев, Ж.С.Мухторов ва бошқ. Масъул муҳаррир Ш.Т.Икрамов. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2015. – Б. 531
7. Ўзбекистон Республикасининг –Ички ишлар органлари тўғрисида||ги Қонуни.
8. <https://worldpopulationreview.com/country-rankings/drug-use-by-country>
- 9.Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 20 апрелдаги “Норматив-хуқуқий хужжатлар тўғрисида”ги Қонуни ЎРҚ-682-сон [Электрон манба:  
10. <https://lex.uz/docs/5378966> мурожаат вақти 01.01.2022 йил]
11. Ўзбек тилининг изоҳли луғати: 80000 га яқин сўз ва сўз бирикмаси. –Г ҳарфи / Масъул муҳаррир А.Мадвалиев. Т.: “Ўзбекистон миллий энциклопедияси” Давлат илмий нашриёти, 2020. –Б. 500.
12. Юридик энциклопедия: 3,5 мингга яқин юридик атама ва иборалар. –Г ҳарфи / Масъул муҳаррир У.Таджиханов. Т.: Шарқ нашриёти, 2001. –Б. 65-66.
13. Гришко А.Я. Наркопреступность: теоретические и практические аспекты противодействия: учебное пособие/Рецензенты: д.ю.н., проф. Н.А.Лопашенко, д.ю.н., проф. В.П.Малков. –М.: Проспект, 2022. –С. 234-235.
14. Фесенко Е.В. Правовые основы противодействия незаконному обороту наркотических средств: монография/Отв.ред. д.ю.н., проф. А.И.Рарог. –М.: Норма, 2023. – С. 178-179.
15. Усмонов М.Х. Гиёҳвандлик воситалари билан боғлиқ жиноятларга қарши курашишнинг халқаро-хуқуқий жиҳатлари: монография. –Тошкент: ТДЮУ нашриёти, 2023. –Б. 145-146.
16. Ахроров Б.Б. Ноқонуний наркотик моддалар айланмасига қарши курашиш: назария ва амалиёт муаммолари: монография/ Такризчилар: ю.ф.д., проф. Ф.Тоҳиров, ю.ф.д., проф. М.Рустамбоев. –Тошкент: “Адолат” нашриёти, 2022. –Б. 178-179.
17. Адиллов Б. Қ. Вояга етмаганлар хуқуқбузарлигининг тушунчаси ва унинг олдини олиш чоралари. Eurasian journal of academic research-2023 й

18. Исмаилов И., Зиёдуллаев М.З. Ички ишлар органлари таянч пунктларида профилактика инспекторларининг фаолияти ва ҳамкорлигини ташкил этиш: Ўқув-амалий қўлланма. -Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2017. – 130 Б. (254);
19. Алтиев Р. Маъмурий ҳуқуқбузарлик ва унинг юридик таркиби. 2011. <https://library.samdu.uz/download/6092> (мурожаат санаси 20.09.2023)
20. Ниматов Ш. Н. Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигини мувофиқлаштириш фаолиятини такомиллаштириш //siyosatshunoslik, huquq va xalqaro munosabatlar jurnali. – 2022. – Т. 1. – №. 2. – С. 8-17.
21. Ниматов Ш. Ички ишлар органлари ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўлинмаларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигининг ташкилий асослари //Академические исследования в современной науке. – 2024. – Т. 3. – №. 22. – С. 43-52.

